

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК ТАҲЛИЛИ (АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

**Эгамова Шоҳида Джалиловна**

*Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.н.*

**Суханбердиева Ситора Санжар қизи**

*Низомий номидаги ТДПУ талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги туркий тилга оид сўзларнинг лексик-семантик таҳлили хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий, қадимги туркий тил, эски ўзбек адабий тили, руник ёзув, лисоний тараққиёт, семантик ўзгариш, семема, моносема, дериватив сўз, полисемантик, фонетик шакл, денотатив маъно.

Исталган тилнинг сўз бойлигида шундай лексик бирликлар мавжуд бўладики, улар бир неча асрлик лисоний тараққиёт давомида, унда юз берган турфа жараёнлардан қатъий назар, ўзларига юклатилган маъно нозикликларини собитлик билан сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Бундай лексемалар сирасига нафақат фан ва техника доирасидаги махсус тушунчаларни ифодаловчи терминлар, шунингдек, бошқа мавзуй гуруҳларга тегишли моносемантик сўзлар қатори, кўп маъноли лексемаларнинг ҳам кириши эҳтимолдан холи эмас. Юқоридаги дастлабки бобда қайд этилган тахминан 1400 атрофидаги қадимги туркий тил лексикаси маълум қисмининг Навоий даври эски ўзбек адабий тилида деярли ҳеч қандай семантик ўзгаришларга учрамаган тарзда истеймолда бўлганлигини биз томондан амалга оширилган таҳлил яққол кўрсатди. Маъносини XV-XVI аср эски ўзбек адабий тилида сақлаб қолган лексик бирликлар мазмун-моҳиятан ҳам нарса-предметни аташ, белги-хусусиятни, ҳолатни англатиш, ҳаракатни ифодалаш, сон-миқдорни кўрсатиш, ҳам асосий сўз туркумларининг ўзаро муносабатга киришувида ёрдамчи вазифасини ўтовчи лексик бирликларга тақсимланади. Демак, уларни аниқ тушунчалар қатори, мавҳум тушунчаларни ҳам ифодалаган сўз гуруҳларига бўлиб таҳлил қилиш маъқул кўринади<sup>80</sup>.

<sup>80</sup> Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда) : Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2007. -Б.107.

1) Аниқ нарса-предмет номини билдирувчи лексемалар қадимги туркий тилдаги маъносини Навоий асарларида ҳам айнан сақлаб қолган. Илк бор Маҳмуд Кошғарий луғатида қайд этилган бэшик мотивланган лексемаси (ДТС<sup>81</sup>, 97) бэ “йўргак” отига -ши қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган бэши= феълига -к аффиксини қўшиш билан ясалган бўлиб (ЭСТЯ<sup>82</sup>, II, 123), “чақалоқни белаб ухлатиш учун ясалган, тебратишга мосланган рўзғор буюми” семемаси (ЎТЭЛ<sup>83</sup>, I, 47) ни ифодалаган. Қайд этилган моносемаси билан лексема XIII-XIV аср туркий тил обидаларида ҳам ишлатилишда давом этган (СУЯ, I, 236; Таржумон, 188). Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида лексик бирлик “бешик” маъносинигина ифодалаган:

*Бэшик даврида чини=йў хитайи*

*Болуб йўз нўшлаб дастан сарайи (ФШ, 34).*

Ўзбек тилининг кейинги тараққиёт давларида ҳам таҳлил этилаётган сўз дастлабки маъносини сақлаб қолишга эришган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексема “чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун ясалган тўрт оёқли махсус мослама” семемаси қатори “бирор нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг туғилган ери, ватани” кўчма маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 108).

Ўз = феълига -(ў)м аффиксини қўшишдан ясалган ҳамда “токнинг гужумлардан иборат меваси” семемасини ифодаловчи ўзўм лексемаси биринчи бор ДЛТ да қайд этилади: ... ўзўм йэгил азу қағун йэгил (I, 104). Лексема XIV аср Хоразм ёзма обидаларида ҳам илк маъносида ишлатилган: ...баъзи арифлар ўзўм йэмәз эрди (НФ, 49 б 11). Буюк шоир тилида дериватив сўз айни маънода ўз аксини топган: *Сабғур бөлүкидә Сабәд=и Равән кэнтидә икки қитъа ўзўм бағы ҳам бир-биригә туташ* (Вақфия, XIII, 177). Ҳозирги ўзбек адабий тилида узум лексемаси шунингдек “ток” маъносида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 267).

“Бир тигли, ханжардан узун қурол” семемасига эга қылыч туб лексемаси даставвал Ўрхун-Энасой руник ёзувида битилган “Ирқ битиг”да қўлланган: ...*алтун қуруғсақимын қылычын кэсипән* (ДТС, 442). Эски туркий тил манбаларида ўта фаол истемолда бўлган (СУЯ, II, 623-624) ушбу лексема Навоий асарларида “ўткир шамшир” маъноси билан юқори частотали сўзлар қаторидан ўрин олган:

*Кашки тиф=и сийасат сўрсә ҳам*

<sup>81</sup> Древнетюркский словарь. -Л., Наука, 1969. – Б.97.

<sup>82</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том. I-IV. -М., 1974-1989. – Б.123.

<sup>83</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II томлар. –М., 1981. – Б.47.

Öз қылычын бойнума йэткүрсә хам (Лисонут-тайр, 149-2).

2) Белги –хусусиятни, ҳолатни англатувчи лексемалар.

“Кўк ранг” маъносидаги туб умумтуркий кёк лексемаси Навоий асарларида ҳам кенг ўринга эга бўлган: ... ҳар гунбази сўмўз=и манзилатдин фалакниң кёк гунбазидин баш өткәрибдўр (Вақфия, XIII-171). “Тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори” (ЎТИЛ, I, 412) семемали кёк лексик бирлиги илк бор “Култегин” битигтошида кўзга ташланади: ...ўзә кёк тәңри асра йағыз йәр (ДТС, 312). Илк эски туркий тил (ДЛТ, I, 317) ва XIII-XIV аср эски туркий тил (СУЯ, I, 617) обидаларида лексема айни маънода қўлланаверган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўк сўзи полисемантик лексик бирликлар тарзида изоҳланиб, унинг юқорида келтирилган маъноси қатори шунингдек, “ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган ҳаво қатлами; осмон”; “ўсаётган ўт-ўсимлик, ўт-ўлан; майса, кўкат”; “кашнич, жанбил, укроп каби овқатга қўшилиб ейиладиган резавор ўсимликлар, кўкат” семалари борлиги келтирилган (ЎТИЛ, I, 412).

Бизнинг назаримизда, кейинги семалар таҳлил этилаётган лексеманинг қўшимча маънолари бўлмай, балки кёк сўзига шаклдош бўлган алоҳида лексик бирликларга оид маънолардир. Бу фикрни Маҳмуд Кошғарий луғати (ДЛТ, I, 317; III. 146) ҳамда Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асаридаги қуйидаги мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди: Ва кёк лафзин ҳам нэчә маъни билә истиъмал қылурулар. Бири кёк-асманни дэрләр. Йана кёк аҳангдур. Йана кёк тэградә көкләмәкдўр. Йана кёк қадағни ҳам дэрләр. Йана кёк сабзи ва өләңни дағы дэрләр (XIV, 113).

Қадимги туркий тилда “яширин, сирли, махфий” маъноси йашру-йашру ыш (МК, III, 38) ҳамда йашуру (ДТС, 247) лексемалари ёрдамида англашилган. Навоий тилида сўз йашурун фонетик шаклида қайд этилган маънода ишлатилишда давом этган: Көп сөз арада өтгәндин соңра бәзур билдиким, йашурун қалмас (ТМА, 511-512). Йашур= “беркитмоқ, ўзгалар кўрмайдиган жойга қўймоқ” феълига “ҳолат” маъносини ифодаловчи -у қўшимчасини ҳамда восита келишиги -н қўшишдан ясалган мотивланган йашурун ҳозирги ўзбек адабий тилида яширин шаклида “бошқаларга маълум бўлмаган, бошқалардан сир тутилган, махфий” маъносида ишлатилмоқда (ЎТИЛ, II, 491) ва ҳ.к.

3) Табиатда юз берувчи турли ҳодисаларни ифодаловчи лексемалар.

“Булутдан томчи ҳолида тушадиган сув, томчи ҳолидаги ёғин” маъноси қадимги туркий тилда йағ= феълидан -мур аффикси билан

ясалган (ЭСТЯ, IV, 57) *йағмур* лексемаси билан ифодаланган. Илк марта Турфон матнларида қайд этилган: *...йўрўң булыт өнўп йағмур йағды* (ДТС, 225). XI асрнинг иккинчи ярмидан шунингдек *йамғур* шакли ҳам қўлланишда бўлган (ДЛТ, III, 45). XIV аср Хоразм манбаларида кейинги фонетик шакл учрамайди. Алишер Навоий асарлари тилида аксинча сўзнинг эски туркий тилда *ғм* ундошларининг ўрин алмашган шаклигина ишлатилган ва “*ёмғир, ёғин*” маъносини ифодалашда давом этган:

*Ул ашкин абр=и раҳмат йамғуры бил,  
Нэ йамғур, фазл баҳриниң дуры бил* (ФШ, 219).

Қадимги туркий тил обидаси “Ирк битиг”да илк бор тоз туб лексемаси “Осмонга кўтарилган майда хас-хуш аралаш чанг” (ЎТИЛ, II, 243) семемасини англатиш мақсадида ишлатилган: *Ўзә туман турды асра тоз турды* (ДТС, 578). Лексема Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”: *...көрәр ким нагаҳан бир тоз чықты* (СУЯ, II, 398), эски ўзбек адабий тили манбаси “Гул ва Наврўз” достонида ҳам ўз аксини топган:

*Эшикиң тозы көзләр тўтийасы,  
Босаған гарди жанлар хун баҳасы* (381-10).

Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб” асарида тоз сўзининг “*кўп*” маъносини билдирувчи *-(а)н* ҳамда *-г* от ясовчиси билан ҳосил қилинган тозаң варианты ишлатилган:

*Билўр залил мусáфирки пўйа айләрдә  
Қум=у тозаң йумшағ, тағ=у харадур қатығ* (XIII-9).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам тўзон ўзининг қадимги туркий тилдаги маъносини ифодалаб келмоқда.

4) Қон-қариндошлик маъносини билдирувчи лексик бирликлар.

“Фарзандга эга бўлиш, ўғиллик” семемаси Турфон матнларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” пандномасида оғул лексемасига *-луғ* аффиксини қўшишдан ясалган оғуллуғ мотивланган сўзи билан ифодаланган: *Төрт оғулмуғ* (ДТС, 365). Қадимги туркий тилда зикр этилган лексик бирлик билан ўхшашлик (парадигматик) муносабатга “*асраб олиш, боқиб олиш*” маъносини англатувчи оғуллуқ ясамаси киришганини кузатиш мумкин (ДТС, 365). Алишер Навоий дostonларида ҳам оғуллуғ:

*Қул йаңдығ оғуллуғуңны қылсам,  
Оғул киби қуллуғуңны қылсам* (ЛМ, VIII, 210),

ҳам оғуллуқ шакллари “*фарзандлик, ўғиллик*” маъносини англатаверган:

*Мәңә шаҳлықда қуллуқ ҳам қыл эмди,*

Аталық ҳам, оғуллуқ ҳам қыл эмди (ФШ, (X), 354).

Ўхшаш мулоҳазани сўнги байтда ишлатилган аталық//аталығ ясамаси хусусида ҳам билдирса бўлади. Бу сўз илк бор “Қутадғу билиг”да аталық шаклида “оталик” маъносини ифодалаб келган (ДТС, 66). Ўзбек адабий тилининг асосчиси асарлари тилида аталығ шакли ҳам қўлланган: Бир-бир өткәриб, ул йәткәч, аталығ мэхри ҳаракатқа келиб... (ТМА, XIV-209).

5) Фауна билан боғлиқ тушунчаларни билдирувчи лексик бирликлар. “Йирик иш- улов ҳайвони” (ЎТЭЛ, I, 258) семемасини ифодаловчи ат лексемаси биринчи бор “Култегин” битигтошида ўз ифодасини топган: ...әкинчи Ышбара йамтар боз атығ бинип тәғди (КТБ, 33-1). Сўзнинг дастлабки зоологик маъноси эски туркий тил: ... эр ат эзәрләди (МК, I, 293) ва эски ўзбек адабий тили, жумладан Навоий асарлари матнида ҳам айнан қўлланган: Ва атның ийәрин әгәрчи “зин” дэрләр...(МЛ, XIV-115).

“Ики ўрқачли йирик сут эмизувчи (эмувчи) иш ҳайвони, нор (эркак) туя” семемаси қадимги туркий тилда буғра сўзи билан ифодаланган бўлиб, илк марта “Ирқ битиг”да ишлатилган: Титир буғра мән (ДТС, 120).

Алоҳида шу жиҳатга диққат қаратиш лозим бўладики, қадимги туркий тил ёдгорликларида умуман “ўрқачли йирик сут эмизувчи иш ҳайвони” семемаси тэвә//тэви вариантлари билан англашилган: ... ол аның тэвәсин чөктүрди (ДЛТ, II, 211). Бунда буғра ва тэвә//тэви лексемаларининг ўзаро нотўлиқ (приватив) зиддиятда, яъни биринчи лексеманинг кучли (белгили, маркали), иккинчи лексеманинг эса кучсиз (белгисиз, нейтрал, маркасиз) бўлиши кузатилади. Бошқачароқ қилиб тушунтирганда, буғра “эркаклик”, “жинси аниқ” белгисига эга бўлса, тэвә//тэви сўзида “жинси ноаниқ” белгиси етакчилик қилади<sup>84</sup>. XIV аср араб тилида битилган “Таржумон туркий ажамий ва мўғалий” рисоласида қайд этилишича, икки ўрқачли нор туя-буғра араб урғочи туяларига қўйилса, бухата деб аталувчи туялар туғилар экан (Таржумон, 14-15). Навоий тилида буғра “икки ўрқачли туя” маъносини ифодалашда давом этиб:

Улки болғай буғра йаңлығ улуғ,

Йол нэчүк қать айлағай булмай азуғ (ЛТ, 55-2)

<sup>84</sup> Қаранг: Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.. -Б.17-21.

тэвӱ зоонимига маълум даражада маънодошлик вазифасини ўтаган: *Ва дэдиким...бийабанға бардым ва тэвӱлӱр бӱр эрди* (НМ, XV-114).

6) Флора билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи лексик бирликлар.

“Бошоқли ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи” (ЎТИЛ, I, 156) маъносини ифодаловчи *буғдай* лексемаси дастлаб Турфон матнларида –*ливи ашы буғдай тэтир “Буғдай –унинг қурбонлиқ оши”* (ДТС, 120) қайд қилинади. Маҳмуд Кошғарий лексеманинг *буғдай*: бир *йўк буғдай* (ДЛТ, III, 10), *будғай* (ДЛТ, III, 258) шакллари мавжудлиги, кейинги варианты асосан борсағонликлар тилида ишлатилишини эътироф этган эди. XIV аср манбаси “Қисаси Рабғузий”да “*буғдой ғалласи*” ва *буғдой ўсимлиги*” маъноларини ўзаро фарқлаш мақсадида *буғдай* ва *будғай йығачы* лексемаларидан фойдаланганлигини<sup>85</sup> эслатиб ўтиш маъқул бўлади. Хоразмда ёзилган XIV аср манбаларида *буғдай* (СУЯ, I, 285), “Таржумон” да *буғдай* ва *будай* (9-15) шакллари қўлланган. Навоий асарлари матнида *буғдай* ўзининг дастлабки, яъни “*буғдай дони, ғалла*” маъносида ишлатилган: *Йигирми батман эт билӱ йигирми батман буғдайны ҳалим... қылғайлар* (Вақфия, 721).

7) Муסיқавий тушунчаларни англатувчи лексик бирликлар.

Туркий халқлар ихтиро этган энг қадимий муסיқа асбобларидан бири ҳисобланмиш қўбизни ифодалаш учун *қобуз* термини хизмат қилган. “*Сим (тор)ли муסיқа асбоби*” семемасини ифодалаган *қобуз* лексемаси биринчи бор X асрга оид *Kalyanatikara* ва *Ramatkara* шаҳзодаларига бағишланган ёдномада ишлатилган (ДТС, 451). Лексема Маҳмуд Кошғарий (ДЛТ, I, 346), Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” - чалыб, *мутриб қобуз чанг-у чағана* (СУЯ, II, 629), “Таржумон” (24-12) сингари эски туркий тил манбаларида ҳамда эски ўзбек адабий тили, хусусан, Навоий асарларида денотатив маъносини ўзгартирмаган тарзда истъёмолда бўлган: ... *қобуз қулақ тутуб айшға тарғыб аҳангин тўзгӱй* (МҚ, 36).

8) Анатомик тушунчаларни билдирувчи терминлар.

“*Суюқ, майда нарсаларни бир-бирига аралаштирмоқ*” маъносини англатувчи *қар*= феълидан *-(ы) н* қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, I, 566) *қарын* мотивланган термини қадимги туркий тилда илк бор “*Ирқ битиг*”да *-адығын қарны йарылмыш “Айиқнинг қорни ёрилган эди”* (ДТС, 427) ўзининг денотатив, яъни “*инсон ва*

<sup>85</sup> Қаранг: Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. I китоб. -Тошкент, 1990.-Б.26.

ҳайвонларнинг қопчасимон овқат ҳазм қилиш органи; ошқозон, қурсоқ” (ЎТИЛ, II, 602) маъносида қўлланган. X асрдан эътиборан лексеманинг коннотатив маъноси, яъни “нафс, очкўзлик” ҳам шаклланган – йалғуз тапар қарынқа “одам ўз қорни – нафсига бўйсунди” (ДЛТ, III, 383). XIII-XIV аср эски туркий тил обидаларида ўрганилаётган термин асосан ўзининг денотатив маъносида ишлатилган (СУЯ, II, 602).

Алишер Навоий мазкур лексемани ҳам денотатив:

*Гаҳ гумán улким йолуқса шарза шир,  
Тўйма айлаб қарнины йарыб далир* (ЛТ, 52-9),

ҳам кўчма маънода ишлатган:

*Қарның билә дўст болмасаң аҳсандўр,  
Нэвчўнки эр оғлыға қарын душмандўр* (ЛТ, XI-187).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексема маъно доирасини анча кенгайтириш ва етти семани ифодалашга эришган (ЎТИЛ, II, 602) ва ҳ.к.

9) Маъхум тушунчаларни билдирувчи лексемалар.

“Қўрқув ҳис этмоқ, кўрқмоқ” маъносини англатувчи қорқын=(<қорқ=) феълидан **-ч** аффикси билан ясалган ҳамда “қўрқув ҳолати, ҳисси; кўрқув, даҳшат, ваҳима” семемасини ифодаловчи қорқынч//қорқунч лексемаси даставвал Турфон матнлари ҳамда “Олтун ёруқ” да ўз ифодасини топган. Маҳмуд Кошғарий асарида лексема иккинчи фонетик шаклида қайд этилади (ДЛТ, III, 396). Лексема ҳар икки шаклда XIV аср Хоразм манбалари тилида, хусусан, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” ва Маҳмуд Ибн ас-Саройининг “Наҳжул-фародис”ида ишлатилган (СУЯ, II, 637). Алишер Навоий асарларида қорқунч айнан, “қўрқув, даҳшат, хавф” маъносини ифодалашда давом этганини кузатамиз:

*Жанибыңға кэлгәндә бихал эдўк,*

*Сöz айтурда қорқунчдын лал эдўк* (СИ, 282а 11) ва ҳ.к.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Навоий сўз хазинасида, бир неча юз йиллик лисоний тараққиёт давомида юз берган турли жараёнлардан қатъи назар, қадимги туркий тилда ўзларига юклатилган маъноларни айнан сақлаб қолишга муваффақ бўлган сўзлар миқдоран юқорилиги билан характерланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982. - 157б.
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 1984. -159 б.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том. I-IV. -Тошкент: Фан, 1983-1985. Т.I. -1983. -782 б; Т.II. -1983. -642 б; Т.III. -1984. -622 б; Т.IV. -1985. -636 б.
4. Древнетюркский словарь. -Л., Наука, 1969. – Б.97.
5. Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -128 б.
6. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. I китоб. - Тошкент, 1990. -240 б.
7. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том. I-IV. -М., 1974-1989. – Б.123.
8. Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда) : Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2007. -Б.107.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II томлар. –М., 1981. – Б.47.